




**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI**

**SAMARQAND QISHLOQ XO'JALIK
INSTITUTI**

**АНҒИЗГА ЭКИШ УЧУН ЯРОҚЛИ
ЛОВИЯ ЯНГИ НАВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
АГРОТЕХНИКАСИ
(тавсиянома)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ**

**АНҒИЗГА ЭКИШ УЧУН ЯРОҚЛИ ЛОВИЯ
ЯНГИ НАВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
АГРОТЕХНИКАСИ
(тавсиянома)**

Самарқанд – 2014


633.3

A-63

Мазкур тавсиянома кишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Н.Халилов, кишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент П.Х.Бобомирзаев, ассистент Ғ.С.Ғайбуллаев, катта ўқитувчи Н.Равшанова ва ассистент О.М.Сулаймановлар томонидан тайёрланди.

Тавсиянома Самарқанд кишлоқ хўжалик институтининг Илмий Кенгашида (2014 йил 28 август № 1 сонли қарори билан) чоп қилишга тавсия этилган.

Тавсиянома мамлакатимизда донли экинлар соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган олий ўқув юрти бакалавриатура, магистратура талабалари, катта илмий ходим изланувчилар, мустақил тадқиқотчи изланувчилар, илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари, ишлаб чиқаришда мутахассислар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари учун мўлжалланган.



КИРИШ

Сўнгги йилларда такрорланаётган сув танқислиги, озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон бозорида нарх-навонинг муттасил ошиб бораётгани мунособати билан, республикамизда озиқ-овқат экинларини етиштириш ҳажмини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш ва шу асосида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, натижада қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида Президентимизнинг (2008 йилда) «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони кучга кирди. Шу муносабат билан сўнгги йилларда мамлакатимизда кузги буғдой, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги барқарор ошаётган бўлсада бир қатор муаммолар мавжуд.

Экинларни етиштиришда сарф харажатларни, ресурсларни, энергияни тежашга, тупрокни иккиламчи шўрланишини олдини олишга, унумдорлигини оширишга имкон берадиган давр талабларига жавоб берадиган агротехнологияларни комплекс равишда ишлаб чиқиш ўсимликшуносликдаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ечишда пахта ва ғалла экинлари экин майдонларини қисқартирмаган ҳолда экинларни илмий асосда навбатлаштиришни йўлга қўйиш, дуккаклилар оиласига кирувчи экин ловиядан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Илдизларида туганак бактериялар ёрдамида атмосфера азотини ўзлаштириб, атроф муҳитга ҳамда ҳосил сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган, биологик азот тўплайдиган, тупроқ унумдорлигини оширишга имкон берадиган, ўсув даври 70-90 кунни ташкил қиладиган дуккакли дон экинларини кузги ғалла экинларидан кейин жойлаштириш ҳамда уларни анғизга яроқли навларини яратиш билан илмий асосланган етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ўсимликшуносликдаги энг долзарб муаммолардан бридир.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантиришда дуккакли дон экинлари, шу жумладан ловия экини алоҳида ўрни бор. Ловия дунёдаги энг қадимий экинлардан

бири. Унинг ватани Жанубий ва Марказий Америка. Эрамиздан 6 минг йил муқаддам ловия уруғи учун экилган.

Ловия дуккакли дон экинлари орасида экиш бўйича соядан кейин иккинчи ўринни эгалайди.

Ловия ўсимлиги озиқ-овқатда, техникада, консерва тайёрлашда, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, ем-хашак сифатида ишлатилади. Ловиянинг бундай ишлатилиши доннинг сифатига боғлиқ. Ловия парҳез таомлар тайёрлашда, айниқса қандли диабет касаллигига чалинган кишилар учун фойдали таом ҳисобланади.

Ловия асосан озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда кенг қўлланилади. Озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш учун асосан ловиянинг уруғлари ва пишмаган дуккаклари қайнатилган ҳолда ва консерва сифатида фойдаланилади. Кўпгина малъумотларга кўра ловия донининг таркибида ўртача оксил - 22,3 %, углеводлар - 54,5 %, ёғ - 1,7 %, клетчатка - 3,9 %, кул моддалар - 3,6 % мавжуд. Энергия қиймати ҳам юқори - 100 грамм уруғда 309 ккал (1293 кДж) бор.

Ловия донинг таркибида алмаштириб бўлмайдиган ва одам организмига жуда керакли аминокислоталар - лизин, триптофан, метионин, треонин, валин, фенилаланин, лейцин, изолейцин сақланади. Шунинг учун ловияга алмашиб бўлмайдиган концентрат деб ном қўйишган. Ловия донининг таркибидаги оксил жуда яхши ҳазм бўлади ва ушбу кўрсаткич бўйича гўшт ва балиқ оксиги яқин (86-90 %). Ловия дони крахмал, глюкоза, сахарозага бой. Ловия дони таркибида темир моддаси 2,8, фосфор - 2,6, калий - 3,3, магний - 4,5, кальций - 15 баробар гўшт таркибидагига нисбатан кўпроқ.

Республикамизда аҳоли сонининг ошиб бориши мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Мамлакатимизда ўсимликшунослик маҳсулотлари асосан суғориладиган ерларда етиштирилади. Шунинг учун аҳолини етарли миқдорда сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, бир йилда икки ҳосил олиб тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқда биологик азот фиксациясини ошириб, кам энергия ва ресурслар

сарфлаб, таннархи арзон биологик тоза маҳсулот олиш ҳозирги кунда деҳқончиликдаги энг аҳамиятга молик муаммолардан биридир.

Сўнгги йилларда жуда кўп фермер хўжаликларида кузги буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифати пастлигича қолмоқда. Кўпгина ҳолларда фермер хўжаликлари дон топшириш бўйича шартномаларни бажаришсада, йилни камомад билан якунламоқда. Сабаби буғдой етиштириш учун сарф-харажатлар (уруғ, ёкилғи ва мойлаш материаллари, ўғитлар, пестицидлар) кўп сарфланмоқда.

Шу билан биргаликда экологик тоза дон маҳсулотларини етиштиришда қўлланилаётган азотли ўғитлар, гербицидлар, фунгицидлар, инсектицидлар миқдорини камайтириш ёки уларни қўллашдан воз кечиш жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган муаммодир. Кузги буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифати паст бўлишининг асосий сабабларидан бири буғдой бир майдонда сурункасига бир неча йил давомида ўстирилаётганлигидир.




1-расм. Равот нави тажриба даласи

Юқорида қайд этилган муаммоларни ечишда пахта ва ғалла экинлари экин майдонларини қисқартирмаган ҳолда экинларни илмий асосда навбатлаштиришни йўлга қўйиш, дуккаклар оиласига кирувчи экинлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо ўтмишдошларни шу жумладан ловия экинини кузги бугдой дон сифатига, бугдойзорни бегона ўтлар, шу жумладан кўп йиллик ғалладаш (так-так, ёввойи сули, райграс, тулкидум ва бошқ.) ўтлар билан ифлосланиши, кузги бугдойни замбуруғ касалликлари, турли хил зараркундалар билан зарарланиш даражаси, ўтмишдош экинларни тупроқни сув-физик хоссаларига таъсири, иккиламчи шўрланишини олдини олишдаги роли, қўлланилган комплекс тадбирларни иқтисодий самарадорлик таҳлили, тежаладиган азотли ўғитлар, энергия, ресурслар, олинган маҳсулотни экологик тозалиги сингари бир қатор муаммолар ўз ечимини топмаган.

Илдизларидаги туганак бактериялар ёрдамида атмосфера азотини ўзлаштириб, атроф муҳитга ҳамда ҳосил сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган, биологик азот тўплайдиган, кузги бугдой ҳосилидан бўшаган майдонларга такрор экиш учун яроқли ўсув даври 70-90 кун бўлган, дуккаклари пишиб етилганда ёрилиб, донлари тўкилиб кетмайдиган, ҳосилни механизация ёрдамида йиғиштириб олишга имкон берадиган ловиянинг янги навларини яратиш ва уларнинг етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш жуда муҳим вазифалардан биридир.


Ловия навларининг қимматли биологик-хўжалик белгилари ва ловия етиштиришдаги агротехник хусусиятлар

Ловиянинг Равот нави – Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида яратилган ва 2012 йилда Давлат реестрига киритилган. Нав муалифлари: Н.Х.Халилов, З.Б.Исломова, Н.О.Равшанова.



2-расм. Ловиянинг Равот нави гули

Эртапишар нав. Техник пишиш даврида яшил дуккакларининг терими майсалар пайдо бўлганидан 70-76 кундан сўнг амалга оширилади. Уруғларнинг биологик пишиш даври 73-79 кунга тўғри келади. Пишиш давридаги уруғ ҳосилдорлиги 21-25 ц/га ташкил этади. Биологик пишиш даврида 1000 дона уруғнинг массаси 488-502 г. Уруғларида оксил миқдори 28,0 %, ёғ 4,5 % ни ташкил қилади. Дуккаклари поянинг ҳамма қисмларида шаклланади (40-70 дона).



3-расм. Ловиянинг Равот нави дуккаги



4-расм. Ловиянинг Равот нави уруғи

Ловиянинг Маҳсулдор нави – Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида Равот-1 (93/11) нав намунасида янги танлаш йўли билан яратилган ва 2014 йилда Давлат нав синаш комиссиясига берилган. Нав муалифлари: Н.Х.Халилов, Н.О.Равишанова, П.Х.Бобомирзаев, О.М.Сулайманов.

Ўртапишар нав. Уруғларнинг биологик пишиш даври 87-91 кунга тўғри келади. Бу нав Равот навиға нисбатан 12-14 кун кеч пишади. Пишиш давридаги ҳосилдорлик 25-27 ц/га ташкил этади. 1000 дон донининг массаси 490-504 грамм. Уруғларида 28,0 % оқсил, 4,8 % ёғ сақлайди. Дуккаклари пояннинг ҳамма қисмларида шаклланади (45-77 дон). Пишган дони ҳар хил таом ва салатлар тайёрлашда фойдаланилади ва диетик маҳсулот бўлиб ҳисобланади. Нав Республикамизнинг барча вилоятларида баҳорда (асосий экин) ва анғизга (такрорий) экишда тўлиқ ҳосил шакллантиради. Товарлиги жаҳон бозори талабларига жавоб беради. Ўсимлик яшил массаси ҳайвонлар учун тўйимли озуқа ҳисобланади.



5-расм. Ловиянинг Маҳсулдор нави уруғи



6-расм. Тажриба даласидаги Махсулдор нави ўсимлигининг умумий кўриниши

Пишганда дуккаги ёрилиб кетмайди ва дони тўкилиб кетмайди ҳамда ҳосилни механизация ёрдамида йиғиштириб олишга яроқли.

Илдизларида ҳаводаги эркин ҳолдаги азотни ўзлаштирувчи туганак бактерияларнинг фаолияти ҳисобига тупроқ унумдорлигини оширади.

Алмашлаб экишдаги ўрни. Ловия алмашлаб экишларда жойлаштирилганда ўздан кейин тупроқни унумдор, бегона ўтлардан тоза, органик моддалар ва азотга бойитган ҳолда қолдиради. Тупроқнинг сув-физик хоссалари, биологик фаоллиги ловия экилгандан кейин сезиларли ортади.

Ўзбекистон шароитида ғўза, шоли, маккажўхори, сабзавот экинлари ловия учун яхши ўтмишдош. Ўтказилган кўплаб тажрибалар бугдой ловия учун энг яхши ўтмишдош эканлигини кўрсатади. Ўзбекистон шoliчилик илмий-тадқиқот институтида

Ўтказилган тажрибаларда дуккакли дон экинлардан кейин шолининг ҳосилдорлиги 20-30 % ошган. Дуккакли дон экинлар бир майдонга сурункасига 2-3 йил экилганда ҳосилдорлиги сезиларли даражада камаяди. Тажрибаларнинг натижаларига кўра, ловиянинг Равот нави буғдойдан кейин анғизга тақрорий экин сифатида экилганда 23,5 ц/га дон ҳосили олинган. Ловия беда, себарга, дуккакли дон экинларидан кейин жойлаштирилмайди. Ўзбекистонда пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда ловияни алмашлаб экишларга киритиш экинлар ҳосилдорлиги, тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бир гектарда мавсум давомида 80-120 кг азот тўплайди.

Тупроқни ишлаш. Суғориладиган ерларда ловия экиладиган пайкалларни ҳайдаш чуқурлиги тупроқнинг маданий қатламининг қалинлиги, сизот сувлар, даланинг релефига қараб ўтказилади.

Дала ажриқ, ғумай ва бошқа илдизпояли кўп йиллик бегона ўтлар билан ифлосланган бўлса, тупроқ отвалсиз плутда 16-18 см чуқурликда ҳайдалади. Кейин илдизпоялар КПН-44 русумли култиватор ёки ВКУ-063В чизели ёрдамида тароқланиб йиғиб олинади ва ёқиб юборилади. Бегона ўт илдизларидан тозаланган дала 28-30 см чуқурликда ҳайдалади. Ерни ҳайдаш олдидан органик, калийли ўғитларнинг йиллик меъёрлари, фосфорли ўғитнинг 70-80 %и берилади.

Шўр тупроқларда ер ҳайдалгандан кейин шўр ювилади ва органик ва маъданли ўғитлар берилади (асосан баҳорда).


Ерни ҳайдаш пайтида шамол ва сув эрозиясига қарши чоратадбирларга риоя қилинади. Ерта баҳорда тупроқда намликни сақлаш мақсадида бороналаш ўтказилади. Тез қурийдиган қумок ва енгил тупроқлар эрта баҳорда суғорилади. Кузда ҳайдалган ерлар етилгач жорий текисланади, тупроқ, шўр ювиш, нам тўплайдиган суғориш ёки ёғингарчиликлар таъсирида зичлашиб қолган бўлса чизелланади ёки 10-12 см чуқурликда культивация қилинади, борона босилади. Айрим далаларда мўла ҳам босилиши мумкин.

Ўғитлаш. Ловия органик ва маъданли ўғитларга талабчан. Гўнг 1 га майдонга 30-40 т солинганда дуккакли дон ҳосили 5-6

ц/га ошган ва кейинги 3-4 йилда ҳам унинг ижобий таъсири сақланиб қолган. Солинадиган гўнг чириган бўлиши лозим. Тажрибаларда гектарига 20 т чириган гўнгни солиш, шунча миқдордаги чиримаган гўнгни солишга нисбатан 3,9 ц/га қўшимча ҳосил олишга имкон берган.

Ер ҳайдашдан олдин гектарига 40-60 кг соф модда ҳисобида фосфор, 10-20 кг калий солинади. Тупроқда чиринди ва азот миқдори кам бўлса азотли ўғитлар қўлланилади. Азотли ўғитлар экишдан олдин ва ўсув даврида солиш мумкин, меъёри 20-30 кг. Агар азотли ўғитнинг меъёри ошиб кетса биологик азот ўзлаштирилмайди.

Уруғларни экишга тайёрлаш. Екиш учун сарарланмаган, тозаланган, касалликларга қарши дорилар билан ишланган, экиш олдида нитрагин билан инокуляция қилинган уруғлардан фойдаланилади. Уруғлар экишдан 20-24 кун олдин паноктин, раксил препаратлари билан мувофиқ ҳолда 2; 1,5 кг/га меъёردа ишланади.



7-расм. Маҳсулдор нави илдизидаги туганак бактериялар

Экиш муддати. Ўзбекистонда ўтказилган кўплаб тажрибаларнинг кўрсатишича тупроқ ҳарорати баҳорда 16-18 °C қизиганда экилганда уруғлар бир текис, қийғос, қисқа даврда униб чиқади.

Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида ловия апрелнинг биринчи ярмида Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистонда апрелнинг иккинчи ярмида экилади. Анғизга ёки эртаги сабзавотлардан бўшаган майдонларга июн ва июлнинг биринчи ўн кунлигида экилади. Қашқадарёда ўтказилган тажрибаларда ловия 20-30 июнда экилганда июлнинг 10-15 ида экилганга нисбатан 3-4 ц/га кўп ҳосил олинган.

Уруғнинг экиш усуллари ва меъёрлари. Ловия кенг қаторлаб экиладиган экин. Ёппасига экилганда ҳосилдорлик пасаяди. Қатор оралари 60; 70 см қилиб экилиши мумкин. Ўсимликларнинг туп қалинлиги гектарига 300-400 минг бўлиши юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Ўзбекистонда суғориладиган ерларда ловия асосан қатор оралари 60 см қилиб пунктирлаб экилганда 60x10см схемада 1 гектарга 167 минг дона уруғ ёки 83 кг уруғ сарфланади. Агар 60 x 12 см схемада экилса гектарига 68 кг уруғ экилади. СамҚХИ да ўтказилган тажрибаларда ловия 60 x 15 схемада экилганда ўртача 20,9 ц/га ҳосил олинган, қатор ораси 45x15 схемада экилганда дон ҳосилдорлиги 18,6, 17,3 ц/га камайиб кетган.

Ўтказилган кўплаб тажрибалар ловия Ўзбекистон шароитида қатор оралари 60 см экиш меъёри 68-83 кг/га бўлганда ҳосилдорлик энг юқори бўлишини кўрсатади. Кўрсатилган экиш меъёрини камайитириш ёки ошириш дон ҳосилининг камайишига олиб келган.

Қатор оралари 60 см қилиб экишнинг қулайлиги яна шундаки Республикадаги асосий экин ғўза ҳам қатор оралари кўпчилик ҳолларда 60 см қилиб экилади. Шунинг учун ғўза ўстиришда қўлланиладиган техникани ловия ўстиришда бемалол қўллаш мумкин.

Ловия уруғлари 4-5 см чуқурликка экилади. Тупроқ механик таркиби қумоқ бўлса экиш чуқурлиги 6-8 см оширилади. Уруғларни жуда чуқурга ташлаш дала унвчанлигининг

пасайишига, кўп уруғларнинг чириб кетишига сабаб бўлади. Экиш СПЧ-6, СПЧ-8А, ССТ-12А сеялкаларида ўтказилади. лавлаги уруғларини экадиган ССТ-12А сеялкасидан фойдаланилганда СТЯ-31000 қўшимча секцияси ўрнатилади. Уруғларни экишда чигит экадиган СТВХ-4 ёки СОН-2,8 сабзавот сеялкаларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ловия баҳорда ва кузги бошоқлар (бугдой, арпа), эртаги картошка, бодринг, карам, тезпишар маккажўхори ва бошқа экинлардан кейин ҳам экилади.

Ловияни баҳорда экиш учун ер 25-27 см чуқурликда шудгор қилинади ва эрта баҳорда бороналади. Агар тупроқ қотиб, бегона ўтлар пайдо бўлиб қолган бўлса, ёппасига культивация қилинади ёки дискланади. Экиш олдидан ер бороналади ва мола бостирилади.

Анғизга экканда олдинги экинни йиғиб олгандан ер суғорилади, ер етилгандан кейин 22-25 см чуқурликда ҳайдалади.

Экин парвариши. Суғориладиган деҳкончилик шароитида ловия қатор оралари ишланади, ўсимликлар озиқлантирилади, бегона ўтлардан тозаланиб суғорилади, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашилади.

Қатор ораларини ишлашга киришни майсалар униб чиқиб, қаторлар ҳосил бўлганда бошланади. Кейинги культивация экинзорни бегона ўтлар билан ифлосланиши, тупроқнинг зичлашиб қолганлиги, суғоришдан кейин тупроқни етилганлигига боғлиқ ҳолда ўтказилади. Қатор ораларини ишлаш одатда ҳар 10-15 кунда ўтказилади, уларнинг сони экинзор ҳолатига қараб белгиланади. Биринчи культивация 6-8 см чуқурликда, кейингилари 10-15 см чуқурликда ўтказилади.

Суғориш. Ўсув даврида тупроқдаги намлик ЧДНСнинг 70% кам бўлмаслиги талаб қилинади. Баҳорги муддатда экилганда сизот сувлар чуқур жойлашган бўз тупроқларда суғоришни эгатлаб 3-4 марта, анғизга экилганда 2-3 марта ўтказиш тавсия қилинади. Ўзбекистон шароитида суғоришни тўғри ташкил қилиб ўтказиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Ҳосилни йиғиштириш. Ловиянинг ҳосили уруғлардаги намлик 14-16 % га етганда, СК-5 «Нива», СКД-6 «Сибиряк», Кейс комбайнлари билан ўриб янчиб олинади. Уруғлардаги намлик 12

% дан юқори бўлганда барабанларнинг айланиш тезлиги минутага 500-600 га камайтиради, барабанлар оралиғи кенгайтирилади. Барабанларнинг айланиш тезлиги уруғлардаги намлик 12 % дан кам бўлганда минутага 300-400 га камайтиради. Ҳосил массасида намлик юқори бўлса барабанлар оралиғи қисқартиради.

Ҳосилни йиғиштириш қисқа муддатларда нобудгарчиликсиз ўтказилади. Уруғлар тозаланади, сараланади. Бу ишлар ВС-2, саралайдиган «Змейка», шунингдек ОВП-20, ОС-4,5, ЗАВ-20, «Петкус-гигант», «Супер-Пектус» машиналарда ўтказилади. Уруғлар намлиги 14 % дан ортиқ бўлмаган ҳолда сақланади.

Хулоса қилганда кузги буғдой ҳосилидан бўшаган анғизга экиш учун яроқли, ўсув даври 70-90 кун бўлган, дуккаклари пишиб етилганда ёрилиб, донлари тўкилиб кетмайдиган, ҳосилни механизация ёрдамида йиғиштириб олишга имкон берадиган ловиянинг янги навларини яратилиши ва уларни етиштириш агротехникасини ишлаб чиқилиши, кузги буғдой дон ҳосили ва сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Ловия илдизларида яшайдиган туганак бактериялар ёрдамида атмосфера азотини ўзлаштириб, биологик азот тўплайди ва азотли ўғитлар, ресурслар тежалишига имкон беради етиштирилган дон таннархини камайтиради. Ўтмишдош экин сифатида тупроқни сув-физик хоссаларига ижобий таъсир этади, кейинги экин буғдойзорни бегона ўтлар билан ифлосланиши, ўсимликни касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиш даражасининг пасайишига имконият яратади.

Др 33159/98

**Н.ХАЛИЛОВ, П.Х.БОБОМИРЗАЕВ, Ғ.С.ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Н.РАВШАНОВА, О.М.СУЛАЙМАНОВ**

**АНҒИЗГА ЭКИШ УЧУН ЯРОҚЛИ ЛОВИЯ
ЯНГИ НАВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
АГРОТЕХНИКАСИ
(тавсиянома)**

2014 йил 29 августда теришга берилди,
2014 йил 25 сентябрда босишга рухсат этилди.
қоғоз ўлчами 84х60 1/16. 1,0 босма табоқ.
Адади: 100. Буюртма №20.

*"Mehribon Poligraf Servis" МЧЖ
босмахонасида chop этилди.*

*Самарқанд шаҳар
М.Қошғарий кўчаси, 85А-уй.*